

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5630100 – 3.14

2016 йил 8 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил 25 08

ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОКИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 600000- Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси: 630000- Атроф мухит муҳофазаси
Таълим йўналиши: 5630100-Экология ва атроф-мухит муҳофазаси
(фан ва таълим)

ТОШКЕНТ-2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016_ йил «_25_» _08_____ «_355_»-сонли буйруғининг _2_-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016__ йил «8__» _08_____ «3_»-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Р.Х.Аллабердиев ЎзМУ Ботаника, ўсимликлар физиологияси ва экология кафедраси доценти в.б., биология фанлари номзоди

Такризчилар:

Мирзаева Г.С.

ЎзР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти катта илмий ходими, биология фанлари номзоди

Абдурахмонова Г.

ЎзМУ Зоология кафедраси доценти, биология фанлар номзоди

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016_йил «_28_» _06_____ даги 6 __-сонли баённома).

КИРИШ

2005 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг қўшма қарори билан “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари” Дастури ва Концепцияси қабул қилинди. Шуларга биноан 2010 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш учун таълим дастурига биноан 2011-2012 ўқув йилида олий таълим муассасаларида тегишли бакалавриат йўналишлари бўйича экология, табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш ва амалга жорий этиш вазифаси киритилган.

Ушбу дастур Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фани предмети, мақсади ва вазифалари, тарихи, илмий асослари; бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ечишдаги ўрни; фаннинг эколог мутахассис тайёрлашдаги ўрни каби масалаларни қамрайди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад-талабаларга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг назарий асослари ва амалий масалалари ҳамда инсоннинг зарурий ҳаёт муҳитини таъминлаш ва яхшилаш бўйича таълим йўналишига мос равишда билим, кўникма ва малакаларни беришдир. Фаннинг асосий вазифалари: антропоген факторнинг ресурсларга таъсири; ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари; ресурсларнинг классификацияси, назорат турлари; ресурслардан фойдаланиш кўлами, методлари; атмосферадан фойдаланиш ва назорат; ердан фойдаланиш ва кимёланиши; сувлардан фойдаланиш ва уларнинг профилактикаси, комплекслиги; ўсимлик ва хайвонлардан фойдаланиш; қазилма бойликлардан рационал фойдаланишни режалаштириш ва башорат қилиш принциплари; бошқариш, унинг типлари, асосий принциплари, унинг комплекс ҳолда ёндашуви; экологик ёндашув ва иқтисодий ёндашувни ҳамоҳанглиги, технологик такомиллашув; ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон республикасининг ресурслардан фойдаланиш қонунлари; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ҳ.к.

Фан бўйича билимга, кўникма ва малакага қўйиладиган талаблар

“Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

Антропоген факторнинг ресурсларга таъсири; ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари; классификацияси, назорат турлари; ресурслардан фойдаланиш кўлами, методлари; режали равишда, стихияли, оқилона, нооқилона, пассив, актив фойдаланиш, махсус фойдаланиш, атмосферадан фойдаланиш ва назорат; ердан фойдаланиш ва кимёланиши;

сувлардан фойдаланиш ва уларнинг профилактикаси, комплекслиги; ўсимлик ва хайвонлардан фойдаланиш; қазилма бойликлардан рационал фойдаланишнинг асоси- режалаштириш ва башорат қилиш принциплари; бошқариш, унинг типлари, асосий принциплари, унинг комплекс ҳолда ёндашуви; экологик ёндашув ва иқтисодий ёндашувни ҳамоханлиги, технологик такоминлашув; ресуслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон республикасининг ресурслардан фойдаланиш қонунлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; табиий ресурслар классификациясини; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш методларини; сувларни эксплуатация қилиш усулларини; тупроқлардан оқилона фойдаланиш усулларини; биоресурслар ва қазилма бойликларни режалаштиришни билиши ва улардан фойдалана олиши; ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланишни режалаштириш; экомониторинг усулларини амалда қўллаш олиш; биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга доир ҳулосалар ва олинган натижаларни баҳолаш ва аниқ тақлифлар бериш **ҳақида илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвийлиги

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фани асосий умумқасбий фанлардан бўлиб, 8 семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга оширишда талаба ўқув режасидаги биология асослари, умумий экология, геоэкология, гидроэкология, атроф муҳит муҳофазаси ва уни қайта тиклаш, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанларидан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида табиий ресурслардан фойдаланилади ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатилади. Табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги фан ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, табиий муҳитнинг маҳсулдорлигини ошириш, табиий ресурсларни ҳисобга олиш, иқтисодий баҳосини аниқлаш ва прогнозлаштириш, республикамиз табиий ресурслар потенциали ва улардан иқтисодиётни ривожлантиришда оқилона фойдаланиш имкониятлари, экологик баҳолаш ва бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклаш, бузилмаган экосистемаларга таъсирни ўрганиш ва сақлаб қолиш, чиқиндисиз ва кам чиқитли технологияларни жорий қилишда аҳамияти каттадир ва барча соҳаларга тегишлидир.

Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Фаннинг ўқитиш турлари

дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича маъруза, амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Шунингдек, атрофлича билим олишни таъминлаш мақсадида талабаларга мустақил иш мавзулари ҳам берилади. Фанни замонавий педагогик услублар –“Ақлий хужум”, “Кластер”, “Бумеранг”, “ФСМУ” тарзида ўтиш ҳам кўзда тутилгандир. Маърузалар кўргазмали ўқув куроллари, мультимедиа ва тарқатма материаллари ёрдамида ташкил этилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларига мос равишда илғор педагогик технологиялар танланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Кириш

Табиатни муҳофаза қилиш муаммосининг келиб чиқиши. Табиат, жамият ва инсон. Табиат ва жамият муносабатлари эволюцияси. Аҳоли сонининг ортиши ва унинг билан боғлиқ муаммолар. Инсониятнинг яшаш муҳитлари. Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тарихи.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари, қоида ва тамойиллари. Табиий ресурслар таснифлари, назорат турлари. Ресурслардан фойдаланиш кўлами, методлари. Табиий ресурслардан режали равишда, стихияли, оқилона, нооқилона, пассив, фаол фойдаланиш, махсус фойдаланиш.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги замон муаммолари

Илмий-техника тараққиёти ва табиий ресурслардан фойдаланиш. Табиатга антропоген таъсир ва унинг оқибатлари. **Атроф-муҳитга таъсирнинг кучайиши, ресурсларнинг етишмовчилиги, урбанизация ва уларни ҳал қилиш йўллари.** Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг умумий муаммолари.

Атмосфера муҳофазаси

Атмосферанинг тузилиши ва химоя хусусиятлари. Атмосфера газ балансининг ўзгариши. Атмосферанинг табиий ва сунъий ифлосланиши. Асосий ифлословчи модда ва бирикмалар. Атмосфера ифлосланишининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари-озон туйнуклари, кислотали ёмғирлар, смог. Атмосфера ифлосланишини олдини олиш ва камайтириш тадбирлари. Ўзбекистонда атмосферанинг ифлосланиши ва унинг олдини олиш муаммолари. Атмосферани ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

Сув ресурсларидан фойдаланиш

Гидросфера. Сувларнинг табиатдаги катта ва кичик айланма харакати. Сувнинг биосфера ва инсон ҳаётидаги роли ва аҳамияти. Сувларнинг тақсимланиши ва ундан фойдаланиш муаммолари, профилактикаси, комплекслиги. Ичимлик суви муаммолари. Дунё океани ва уни муҳофаза қилиш масалалари.

Сувларнинг ифлосланиш манбалари ва асосий ифлословчи модда ва бирикмалар. Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари. Орол ва Оролбўйи муаммолари. Сувларни ҳуқуқий муҳофазаси.

Ер ресурсларидан фойдаланиш

Ер ресурслари тушунчаси. Дунёнинг ер фонди. Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий, экологик, ҳуқуқий муаммолари.

Тупроқларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Инсоннинг тупроқларга таъсири. Тупроқ эрозияси, тупроқларнинг шўрланиши, ифлосланиши, кимёланиши ва чўлга айланишидан сақлаш. Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланишнинг экологик муаммолари. Тупроқларнинг ҳуқуқий муҳофазаси.

Биологик ресурслардан фойдаланиш

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг биосферадаги роли ва аҳамияти. Инсоннинг биологик ресурсларга таъсири. Ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистоннинг биологик ресурслари ва улардан фойдаланишнинг экологик муаммолари. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва уларнинг аҳамияти. “Қизил китоб” ва унинг аҳамияти. Биологик ресурсларни ҳуқуқий муҳофазаси масалалари.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш

Ер ости қазилма бойликларини ўзлаштириш ва унинг табиатга таъсири. Қазилма бойликлардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш муаммолари. Қазилма бойликлардан рационал фойдаланишнинг асоси- режалаштириш ва башорат қилиш принциплари. Ўзбекистоннинг минерал ва хом-ашё бойликларидан фойдаланишнинг экологик муаммолари.

Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш

Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш, унинг типлари, асосий принциплари. Экологик ёндашув ва иқтисодий ёндашувни ҳамоханглиги, технологик такомиллашув. Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари. Асосий қонунлар. Экологик жиноятлар ва улар учун жавобгарлик масалалари.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва халқаро ҳамкорлик

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва халқаро ҳамкорлик масалалари. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва унинг асосий шакллари. Давлатлараро шартнома, конвенциялар ва уларнинг табиий ресурслардан фойдаланишдаги аҳамияти. БМТ ва атроф муҳит масалалари. Халқаро ташкилотлар ва табиатни муҳофаза қилиш.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари

Табиий ресурслар ҳолатини ўрганиш, тушуниш ва баҳолаш муаммолари. Экологик мониторинг. Экологик экспертиза. Экологик башоратлаш. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. Табиатдан

фойдаланишнинг сиёсий жиҳатлари. Барқарор ривожланиш концепцияси ва таракқиёт. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш концепцияси.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар профессионал тайёргарликнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Амалий машғулот талабадан Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича олинган назарий билимларни амалий тарзда мустаҳкамлашни, чуқурлаштириб, умумлаштиришни талаб қилади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг классификацияси, назорат турлари.

Табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами, методлари.

Тупроқдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.

Сувлардан фойдаланиш ва уларнинг профилактикаси.

Сувларни эксплуатация қилиш усуллари.

Ўсимлик ва хайвонлар ресурсларидан фойдаланишда қайта тикланиш имкониятлари аниқлаш услублари.

Ўрмон ресурслари ресурсларинидан оқилона фойдаланишни режалаштириш;

Қазилма бойликлардан рационал фойдаланишни режалаштириш ва башорат қилиш принциплари.

Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари.

Табиатдан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари.

Экомониторинг усуллари.

Биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга доир хулосалар ва олинган натижаларни баҳолаш ва аниқ таклифлар бериш.

Изоҳ: Ишчи ўқув дастурни шакллантиришда амалий машғулотлари ўқув режадаги соатларга мос ҳолда, ОТМ имконияти даражасида танлаб бажарилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади. Ташкил этиш ҳолати: Мустақил иш учун белгиланган мавзуларни талабалар мустақил равишда кўрсатилган адабиётлар ёрдамида ўзлаштириб жорий, оралиқ назорат шаклида ёки дарслардан ташқари вақтда реферат, ёки мулоқот тарзида топширадilar.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- малий машғулотларига тайёргарлик кўриш:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;

• махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш:

- янги техникалар, технологиялар билан ишлашни ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий–тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубларидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти:

Мустақил иш учун қуйидаги топшириқларни бажариш тавсия этилади:

1. Табиий ресурслар таснифи.
3. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.
4. Атмосферани ифлосланиши ва уни бартараф қилиш йўллари
5. Ўзбекистонда атмосферани муҳофаза қилиш муаммолари
6. Сув ва сувдан фойдаланиш муаммолари
7. Тупроқнинг биосфера ва инсон ҳаётидаги аҳамияти.
8. Ўзбекистоннинг ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари
9. Биологик хилма-хилликни асраш муаммолари
10. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар
11. Ўзбекистон Республикасида табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари.

Изоҳ: Фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараёнида ўқув режада кўрсатилган соат ҳажмига мос ҳолда мавзудан танлаб ўқитилади. Қўшимча ва ўзгартитишлар киритиш мумкин. Хорижий адабиётга асосланиб тайёрланган.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. **P.C.Joshi Text Book Of Environmental Science. APH Publishing, Jan 1, 2009 - Biodiversity - 306 pages**
2. Қаямов А.А., Рахмонов Р.Н., Эгамбердиева Л.Ш., Хамроқулов Ж.Ҳ. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш. – Т.: “Iqtisodiyot”, 2014.
3. Бекназов Р.У. Новиков Ю.В. Охрана природы. Ташкент. «Ўқитувчи» 1995.
4. Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent. 2005-422 bet.

Қўшимча адабиётлар:

5. Sultonov R.S. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari. T. Musiqa. 2007.
6. Турсунов Х.Т. Рахимова Т.У. Экология. –Тошкент., “Chinor ENK” 2006.- 152 бет
7. Константинов В.М. Охрана природы. -М.: 2002.
8. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология- М.: ЮНИТИ 1998.
9. Отабоев Ш., Набиев М. Инсон ва биосфера Тошкент., «Ўқитувчи», 1995.
10. Экологические основы природопользования -М., 2002
11. Национальная стратегия и план действий по сохранению биоразнообразия Республики Узбекистан. – Ташкент, 1998. – 135 с.

12. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Тошкент., 2005., 2008.
13. Охрана окружающей среды (законы и нормативные документы) Выпуск 1 Ташкент., 2000.
14. Реймерс Н.Ф. Природопользование- М.: «Мысль» 1990.
15. Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш–Маърузалар матни. ЎзМУ Тошкент, 2001.

Web сайтлар:

www.enn.uz;

www.ziyonet.uz;

www.naukaran.ru;

www.maik.ru;

www.rusplant.ru;

www.floranimal.ru.

Изох: Хорижий китоб ёки дастур асосида киритилган ва ўзгармаган.